

---

## Бош Қомусимизнинг 31 йиллиги кенг нишонланди

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 31 йиллиги муносабати билан Фурқат туманида тантанали байрам тадбири ўтказилди.

Тадбирда туман фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ўқувчи ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Шу куни Фурқат тумани ҳокими Жаҳонгир Жуманов туман аҳолисини Қомусимиз қабул қилинганлигининг 31 йиллиги билан қутлаб, Конституциямизнинг давлат, жамият ва халқимиз ҳаётидаги аҳамияти тўғрисидаги фикрларини баён қилди.

Байрам муносабати билан маҳаллаларда ташкилланган турли спорт мусобақаларида ғолиб бўлган бир гуруҳ ёшларга туман ҳокимлигининг ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Байрам тадбири давомида таниқли эстрада вакилларининг куй-қўшиқлари тадбир иштирокчиларига чинакам байрам кайфиятини улашди.

Бундан ташқари туман Маданият бўлими ходимлари томонидан тайёрланган байрам дастурида она Ватан, тинчликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.















2023-12-08 20:07:16